

Тошкент халқимиз

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН



1991 йил 23 ноябрь • шанба
№ 227 (10.223). Баҳоси 10 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

• Президент сайлови олдида

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА

21 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари Федерация фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишга киришишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун республика касаба уюшмаларидан номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Республиканинг вилоят, тармок, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг сўзга чиққан барча вакиллари И. А. Каримов номзодини ёқладилар.

Касаба уюшмалари арбоблари Ўзбекистон ҳозирги Президентининг республикадаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини муносиб баҳоладилар, бу эса касаба уюшмалари ишини фаоллаштиришга, меҳнаткашларга, аҳолининг барча табақаларига қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида таъсирчан, амалий ёрдам кўрсатиш имконини берди. Республика ўз мустақиллигига эришди, иқтисодий мустақиллик сари одим ташламоқда. Бу, жумладан, республиканинг ташқи қарзни тўлаш борасида қатъий маъқеда турганлигида ўз ифодасини топди. Баъзи кишилар ҳамма республикалар бу қарзларни тўлашга рози бўлдилар, Ўзбекистон эса бундан тийилиб турибди, деб нолимоқдалар. Президент тажрибали иқтисодчи сифатида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилмоқда: республика қарзни тўлашга рози, лекин аввал ким кимга қарз эканлиги, ҳеч бўлмаса кейинги 10 йил ичида ким кимга қарзлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарур.

Ўзбекистон яқиндагина пахтачилик маҳсулотларини четга эркин сотиш ҳуқуқига эришди. Аввал бу марказ томонидан амалга оширилиб, Ўзбекистон бунинг учун валюта олмасди. Хуллас, бу масалада ҳам кўп нарсани аниқлаш керак. Бу гап республикада ишлаб чиқарилаётган бошқа қимматбаҳо маҳсулот турларига ҳам тааллуқлидир.

Республика турмушининг бирор соҳаси йўқки, Президентни ташвишлантирмаган бўлсин. Бу Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кишиларга яхши маълум. «Мен халқим учун ўзимни қурбон қилишга тайёрман», деган эди нутқларидан бирида И. А. Каримов. Бу шунчаки гап эмас, бу — ҳаётий позициядир.

Мажлис қатнашчилари шундай моҳир раҳбар, тажрибали мутахассис, одатдан ташқари қобилиятга эга бўлган шахс республикада истиқомат қилаётган барча халқлар учун кўпгина ишларни қилишга қодир деган яқдил хулосага келдилар. Қабул қилинган қарорда республиканинг барча касаба уюшма ташкилотлари, барча касаба уюшма аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этилади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатига бозор шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан касаба уюшмалари аъзоларининг таклифларини умумлаштириш ва ўз нақзалари мажмуини тайёрлаш топширилди. (ЎзТАГ).

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

21 ноябрь куни Тошкентда «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

«Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг Бош котиби Аҳмад Аъзам шу масала юзасидан сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ни сайлаш учун «Эрк» демократик партиясининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Муҳаммад Солиҳ (Салай Мадаминов) номзодини кўрсатиш ҳақида таклиф киритди.

Мажлисида республика президентлигига Муҳаммад Солиҳ номзодини кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).



Шоир боғида хурмо пишди

• ТАНИҚЛИ шоир Шамси Одил бугунги кунда 60 йиллик муборак ёшнинг нишонлайоти. У 40 йилдирки, ижод қилади. «Икки лола», «Самарқанд гуллари», «Истак» каби ўндан ортиқ шеърини тўпламлар муаллифи.

Дейдиларки, эзгу амаллардан бири китоб ёзиш бўлса, яна бири кўчат экиб, боғ яратишдир. Бу эзгуликнинг ҳар иккиси ҳам шоирга хос одат. Шамси Одил Кавказ юртидан хурмо кўчати олиб келиб эканди. Ҳозир бу дарахт тўқни ҳосилга кирган.

Биз у кишини 60 ёшлари билан муборакбод этиб: «Ижодиягиз ва боғингизга барака!» деймиз.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ.

Тошкентда кўргазма очилди

21 ноябрь куни Тошкентда «Юнитех интернешнл» Совет — Ҳиндистон корхонаси билан Германиядаги «Оптим ГМБХ» фирмаси моллари ҳамда хизматлари кўргазмаси очилди.

— Биз эндигина бошлаган ишларимизнинг натижаларини намойиш этмоқдамиз, — дейди «Юнитех интернешнл» Совет — Ҳиндистон корхонасининг бош директори Н. Латипов. — Қўшма корхонамиз бундан бир йил аввал тузилган эди. У шахсий компьютерлар, оргтехника воситалари, компьютердан фойдаланиб ишлатиладиган тикув машиналари, касалликни аниқлайдиган ҳамда тегишли даволаш тизими бўлган лазер аппаратлари ишлаб чиқаради. Кўргазмага жами 40 турдаги моллар қўйилган. Ҳиндистонлик шерикларимиз ишлаб чиқаришни бошлашга, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги бир қанча фирмалар билан алоқа ўрнатишга ёрдам беришди. У ердан бутловчи буюмлар оламиз. Фақат маҳсулотлар сотаётганимиз йўқ — бизнинг ақлу зиё маҳсулотларимизга, жумладан дастурий таъминлаш воситаларимизга хориджа талаб катта бўлмоқда.

«Оптим ГМБХ» фирмаси кўргазмада қатнашаётгани тасодифий эмас. Совет — Ҳиндистон корхонаси у билан пухта алоқа боғламоқда.

— Бу фирма Тошкент кўргазмасига электрон ёзув машиналари, журналистларнинг электрон ён дафтари ва бошқа баъзи компьютер техникасини олиб келган, — дейди «Оптим ГМБХ» фирмасининг маркетинг директори Ш. Дитрих. — Ёзув машиналари рус, ўзбек, тожик тилларида матнлар босиш учун яроқлидир. «Юнитех интернешнл» корхонаси билан биргаликда шартномага асосан ана шу машиналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Дастлабки икки минг дона машинкани Ўзбекистонга етказиб берди. Кейинчалик шу ернинг ўзида машиналар йиғиладиган бўлади. «Сов — Оптим» қўшма корхонасини тузиш маъқоаси тўғрисида ҳужжат имзоланди, айни вақтда Тошкентда фирманинг савдо ваколатхонаси ҳам очилади.

Кўргазма тўрт кун давом этади, сўнг экспозиция Душанбеда намойиш қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

Кўмир сотиб олмаймиз

• дейишмоқда Энгельс номли жамоа хўжалигининг Калинин бўлимида истиқомат қилувчи 150 хонадон соҳиблари. Чунки улар бу йилги қишда уйларини кўмир билан эмас, табиий газ билан иситадиган бўлишди. Уй бекаларининг юмушлари ҳам анча енгиллашадиган бўлди.

Ҳозир бу ерда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Зангори олов»ни эса шу йилнинг декабрь ойи бошларида ёқиш мўлжалланяпти.

У. ҲАМИДОВ,
Урта Чирчиқ ноҳияси.

ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

Бундан беш-олти йил аввал хизмат юзасидан Чиноз район партия комитетига бориб, йўлакдаги ўриндикда хомуш ўтирган Асомиддин акани учратганим ҳеч ёдимдан чиқмади.

— Бугун бюро йиғилиши бўлса керак? — сўрадим у кишидан.

— Ҳа, бизнинг шахсий ишимиз кўрилади.

— Йўғ-э, наҳотки?
Асомиддин Мирзаевич маънос кулимсиради, кўзларида ёш учқунлари кўрингандек бўлди:

— Энди партиёга керак бўлмай қолибмиз...

Қулоқларимга ишонмадим. Бир пайтлар қоқоқ хўжаликларни оёққа турғизган, колхоз партия комитети котиблигидан Урта Чирчиқ район партия комитети биринчи котиблиги вазифасига кўтарилган, у ердан бўшатилганда ҳам аввалги куч-ғайратини йўқотмай оддий лавозимларда намуна кўрсатиб ишлаган одам наҳотки шу аҳволга тушса?

Эсимда, Асомиддин Мирзаевич биринчи котибликдек юксак лавозимдан бўшаб, колхоз партия комитетини бошқарарди. Баъзилар «У энди довдираб қолади, оддий ишга кўника олмайди», деб ўзларича фол очишарди. Асомиддин ака довдирамади, балки, хўжаликларда партиявий-ташқилий иш юритишнинг илғор тажриба мактабини яратди. Вилоят бўйича семинарлар шу колхозда ўтказиларди.

Баъзиларда туғма раҳбарлик қобилияти, ўзига хос сиёсат бўлади. Асомиддин Мирзаевичда шу фазилат бор эди. У киши колхозда бўлса ортиқча кўрсатма, назоратга ҳожат қолмасди: белгиланган топшириқлар бажарилаверарди. Албатта, колхозчилар ўз «партком»ларидан собиқ «биринчи»лиги учун ҳайқишмасди, у бошқа хўжаликларда ишлаганида ҳам ана шундай обрўга эга эди. Себаб — Асомиддин ака интизомни қаттиқ ушларди, интизомсизларни аяб ўтирмасди. Лекин шунча қаттиқ қаттиқ бўлгани билан ҳар бир колхозчи, механизатор, ўқитувчининг, хуллас, ҳамманинг тўкин-сочин яшashi, ҳеч нарсага зориқмаслиги учун курашарди. Яллама қишлоғининг обод бўлишида, ҳар бир соҳада тартиб-интизом мустаҳкамлашида у кишининг ҳам муносиб хизматлари бор.

Илгари Асомиддин Мирзаевич келса райкомнинг биринчи котибидан тортиб йўриқчиларига қуюқ саломлашар, йиғилишларда Мираҳмедов номи тез-тез тилга олинарди, ёшлар у кишининг юриш-туриши, обрўини ҳавас қилишарди.

Қарангки, шундай одам мажлислар хонаси эшиги олдида бosh эгиб ўтирибди. Одамлар унга қўлларини кўксига қўйиб салом беришарди. Асомиддин ака эса ўз ҳаёллари билан банд, сал оқаринқираган юзлари, изтироб тўла кўзларидан ниҳоятда хорғинлик аломатлари сезиларди...

Кейинчалик эшитсам, ўша кунни Асомиддин акани партиядан ўчиришибди, колхоз раиси ўринбосарлиги вазифасидан озод қилиб, оддий боғбонлик ишини беришибди.

Бутун куч-қувватини партия ишига бағишлаган, одамлар яхши яшасин, деб курашган коммунистнинг аччиқ тақдири менга тинчлик бермай қўйди, бу ноҳақликни ҳазм қиллолмадим. Пайт топиб, Асомиддин Мирзаевич билан учрашдим, бошига тушган кўргуликлар сабабини суриштирдим...

Биз партия инқирози тўғрисида кўп гапирмадик. У билан бирга жамиятимиз ҳам бузилганди: йирик-йирик партия раҳбарларининг эркан-антиқ фарзандлари пул ҳидига маст бўлиб қутаришар, ресторан, барларни бошларига кўтаришарди. Айни пайтда эса тирикчилик учун бозорга бирор қоп сабзи, пиёз олиб чиққан колхозчи ёки ишчининг болаларини муҳокама қилишар, муштдек бошидан пул ишлашга тушибди, деб аюханнос солишарди. Бола ёшлигидан рўзғор ташвишларида чиниқмас, эртага бировларга юк бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмасди.

Асомиддин ака ўз фарзандларига нисбатан ҳам ниҳоятда қаттиққўл, талабчан эди. Унинг болалари бошқа раҳбарларнинг эрканойларидек рес-

торанма-ресторан юришмас, бўш пайтларида рўзғор юмушларига ёпишарди...

Уй бекаси Ойқарам опа ниҳоятда жонсарақ аёл: дам молларга қарайди, дам томорқаларидаги экинларни парваришлайди, бир сўмни икки сўм қилишга уринади. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Қатор-қатор ўғил-қизларни кийинтириш, ўқитиш керак. Мен «фалончининг хотиниман», деб ула-эликка беланиб юраверса мол-дунё осмондан тушмайди-ку. Мираҳмедовлар хонадониди ҳозир биз ишбилармонлик, шахсий ёрдамчи хўжалик, деб атаётган ташаббуслар ўша пайтдаёқ йўлга қўйилган эди. Лекин, бу кимларгадир ёқмади, турли идораларга юмалоқ хатлар юмалатиларди. Аҳиллиги билан донг чиқарган, бир майизни қирқ бўлиб ейдиган ялламаликлар орасида ана шундай иф-

лос ишга қўл урувчилар борлиги одамларни ҳайратга соларди. У пайтларда имзосиз хатлар ҳам текширилди. Деярли ҳар кунни папка кўтарган текширувчилар келишар, тўхмат хатларга имзолари қўйилган кишилар билан суҳбат қилишарди. Улар эса имзоларини тан олишмас, қайси юзими билан Асомиддин Мирзаевичга тош отамиз, дейишарди.



Мажлисида «А. Мираҳмедов меҳнат фаолияти ва партиявий ишларда ҳеч қандай хато-камчиликларга йўл қўймаган, деб топилсин», деб қарор қабул қилинди.



СОБИҚ БИРИНЧИ КОТИБНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

1986 йил, 5 май кунни Охунбобоев номли колхоз коммунистларининг ёпиқ партия мажлисида хўжалик раиси муовини А. Мираҳмедов устидан тушган имзосиз хатни текшириш яқунлари муҳокама қилинди.

А. Мираҳмедов сўзидан: — «Бизнинг оилда нимаики иш қилинган бўлса фарзандларимиз тарбияси, келажакки учун қилинган. Қани, шу ерда ўтирган бирор киши айтсин, бизнинг фарзандларимиз тўполон-жанжал қилдимикми? Уларни меҳнатга, пешона тери билан ҳалол пул топишга ўргатганмиз. Тут кўчати етиштиришимиз шахсий бойлик орттириш сифатида баҳоланибди. Ахир, бизнинг ишимиздан биринчи навбатда колхоз фойда кўради-ку. Унинг нархини хўжалик бошқаруви белгилаб берган. Беш йил мобайнида 34 минг 500 кило сут топширдик, эвазига 4 тонна ел-хашак олдик. Илган қурти уруғини парваришлаб, ундан ҳам даромад кўрдик.

Сал кам 4 ойдан бери текшириш давом этмоқда. ОБХСС ходимлари 70, райком ходимлари 75 кишини текширдилар. Мен оилам эҳтиёжини қондириш учун колхоз кассаси ёки омбурига қўл чўзмадим, партия олдида виждоним тоза».

Мажлисида: «Ховлингиздаги сигир қаердан олинган?» деб савол берилди. А. Мираҳмедов «Текшириб кўринилар», деди. Текшириб кўришди, фактлар тасдиқланмади.

Йиғилишда иштирок этаётган колхоз раиси (ҳозир район кенгаши раиси) Усмонали Умаров шундай деди:

— «Раисликка сайланганимга 8 ой бўлди, 8 ойдан бери имзосиз хатларга жавоб бериш билан овораман. Холбуки, ҳозир гўза қатор ораларига ишлов беришимиз, колхоз иқтисодини мустаҳкамлашимиз зарур. Асомиддин Мирзаевич андавалаб гапирмайди, тўғри гапни юзингизга айтди. Қаттиқ талаб қилади, жазолайди. Унинг бу одатлари баъзиларга ёқмаган бўлиши мумкин. Мен А. Мираҳмедовни ҳалол, пок коммунист сифатида биламан».

1987 йил, 21 январь кунни колхоз аъзолари вакиллари йиғилиши бўлиб ўтди. Яна А. Мираҳмедов устидан тушган имзосиз хат муҳокама қилинди.

Район прокуратураси терговчиси М. Ҳамидов сўзидан:

— «Ўзингизга маълум, 1985 йил, октябрь ойидан бери колхознинг собиқ партком котиби, колхоз раиси ўринбосари Асомиддин Мираҳмедов устидан колхоз аъзоси Абдурахмон Ҳусанов номи қўйилиб ёзилган хатлар юқори партия, совет ташкилотларига юборилган. Фактларни аниқлаш мақсадида район ва вилоят мутахассислари иштирокида текшириш ўтказдик. Масалан, хатда: «А. Мираҳмедов уйда етиштирган сутни колхоз боғчасига 30 тийиндан ўтказган», дейилган. Аниқлавишимча, мойлилик даражасига қараб 34 тийингача сотиш мумкин экан. Хат муаллифи «А. Мираҳмедов колхоз ерида тут кўчати етиштириб, ҳар бир тул тут кўчатига 7 тийиндан ҳақ олган», деб ёзилган. У барча оила аъзолари билан, айрим пайтларда қариндош-уруғлари билан тут кўчатини парваришлаб, давлатга сотган. Мутахассислар 2 йиллик тут кўчатларини 11 тийиндан ҳам сотиш мумкинлигини аниқлашди».

Йиғилишда Абдурахмон Ҳусанов сўзга чиқди. У терговчидан хат эгасини албатта топиш зарурлигини айтди: «Бир йилдан бери жавоб бермаган идорам қолмади. Холбуки, бу хатни мен ёзмаганман».

1989 йил, 11 май кунни колхоз умумий йиғилишида, колхознинг 1-участка бошлиғи А. Мираҳмедовнинг район партия комитетига аризаси кўриб чиқилди.

Бригада бошлиғи Абдурахмон Бекмуродов сўзидан:

— «А. Мираҳмедовни партия сафидан ўчириш учун ўтказилган бюро йиғилишида обкомнинг бўлим бошлиғи ҳам қатнашган эди. Ушанда мен

уни партия сафидан ўчиришга қарши турганман, ҳозир ҳам шу фикрдаман. Асомиддин Мирзаевич партиядан ўчирилган бўлса-да, коммунистлардан афзалроқ ишлади».

Колхоз фахрийси Мунира Қурбонова сўзидан:

«— Бир гуруҳ уруш, меҳнат ва партия фахрийларининг КПСС Марказий Комитетига муурожаатини райкомдаги ўртоқлар, биринчи котиб бўлиши А. Мираҳмедовнинг ўзи ташкил этган деган ўй билан ҳар биримизни сўроқ қилиб чиқдилар, хат натижасини сўрасак, жавоб берилмади, тартиб шунақа, дейишди. Асомиддин Мирзаевичга қўйилган айбларнинг асоссизлигини суд, прокуратура органлари тасдиқладилар».

Асомиддин аканинг турмуш ўртоғи Ойқарам Мираҳмедова колхознинг собиқ раиси Комилжон Азимовнинг оғзаки топшириғи билан оилавий пудрат асосида колхоз ерига тут уруғи эккан эди. Улар икки йил меҳнат қилиб, кўчат етиштирилганлиги учун колхоздан 3500 сўм ҳақ олишлари лозим эди. Буни район агросаноат бирлашмаси тафтишчиси Э. Сафарбоев ҳам тасдиқлаган. Лекин негадир бу пулни колхозга топштириб юборилган. Чиноз район халқ судининг С. Жамолов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлиси О. Мираҳмедовага қонуний иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Асомиддин Мираҳмедов партиёга тикланди. Лекин ана шу кунга етиб келгунча сочлари оқарди, асаби эгваланди, тунларни бедор ўтказди. Мен у киши ҳақида мақола ёзиш учун салкам бир йил тайёрландим, неча ўнлаб ҳужжатларни ўргандим, Асомиддин аканинг кечалари ухламай, Тошкент, Москвага ёзган дардли мактубларини ўқиб чиқдим, оталари бошига тушган ташвишлардан эзилган фарзандлари билан суҳбатлашдим.

Асомиддин Мирзаевич партиёга тикланган кунни ўша пайтда вилоят партия комитетининг иккинчи котиби бўлиб ишлаётган В. Г. Гришчук ҳам табриклагани келди, илиқ сўзлар айтди. Лекин ўтган ишларни, ўзи уни партиядан ўчирганини айтмади. А. Мираҳмедовни партия сафидан ўчириш учун қўл кўтарган бюро аъзолари ҳам келишди...

Охунбобоев номли колхоз аъзолари Асомиддин Мирзаевични раисликка сайладилар. Районда энг йирик хўжаликлардан ҳисобланган колхозда йиллик план бажарилиди, давлатга 4,5 минг тонна пахта топширилди. Яллама қишлоғи, Охунбобоев номли колхоз ана ўз шўхратини тикламоқда. Янги раис кўнглида туғиб юрган эзгу ниятларини амалга оширмоқда.

Ўз умрини яшаб бўлган коммунистик партия ўрнини Халқ-Демократик партиясини эгаллади. У ўз аъзолари ҳуқуқини ҳимоя қилиш қудратига эга энг муҳими ҳам шу. Жумҳуриятимизда йўқотилган қадриятлар қайта тикланоқти, мустақил қадамлар қўйилмоқда, Асомиддин акадек ишбилармон, тадбиркор кишиларга кенг йўл очилмоқда. Энди оила аъзоларини шахсий даромад орттириш учун меҳнатга ўргатган кишилар, халқ дастурхонини тўкин қилиш мақсадида дадиллик билан интилаётган раҳбарлар сўроқ қилинмайди. Энди лоқайдлик билан қўлларини кўтариб-туширадиган бюро аъзолари, шунчаки депутатлар йўқ. Қаддини ростлаётган мустақил Ўзбекистонимизда ҳамма уйғонди, ҳақ-ҳуқуқини танилди. Шунча йил жиловда юрган аҳалқимиз энди кимларнинг орқасидан эргашинини яхши билади.

Яқинда Асомиддин Мирзаевич билан яна суҳбатлашдим. Анча ёшарганга ўхшайди, кўзларида умид, келажакка ишонч сезилади.

— Ҳақиқат бор экан-ку, — деди у. — Биз уни бир умр йўқотдик деб юргандик...


Ҳа, ҳақиқат бор. У виждон, диёнат, инсоф, меҳр-оқибат мавжуд бўлган жамиятда мустаҳкамланади, томир отади.

Ўзбекистонда ана шундай жаҳият қуришимизга ишонамиз.

Эсон ҚОСИМОВ,

СУРАТДА: А. Мираҳмедов.

● **Диққат: янги руки**



**« Ҳ А Ё Т
Ё Ш Л А Р
НИГОҲИДА »**

Зиддиятларга бой, қувонч-у ташвишларга тўла, умид ва тушқунликларга, муаммоларга мўл, Шарқ мучалининг саккизинчи санаси — қўй йили ҳам интиҳосига етмоқда. Бу йил башарият тарихига битган ёрқин саҳифалар асрлар ўтгач ҳам оламшумул аҳамиятини йўқотмайди. Шу билан бирга жорий йил одамлар онгида, дунёқарашда ҳам улкан инқилобий ўзгаришлар ясади. Энди биз ҳаётга, жамиятга ўзгача кўз билан нигоҳ ташлай бошладик.

Узоқ йиллар «энг инсонпарвар гоёлар» ниқоби билан қилинган солинган тафаккур, дунёқараш бугун эркин дувё шамолдан, истиқлол офтобининг ёрқин нуруларидан баҳраманд бўлмоқда. Чечак мисол кўкка бўй чўзмоқда. «Ҳаёт ёшлар нигоҳида» рукинни очишдан кўзланган мақсад ҳам асли инқилобий ўзгаришлар сабаб содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларга вилоятимиз ёшларининг муносабатини билиш. Биз, сиз азиз муштарийларни ҳам «Ҳаёт ёшлар нигоҳида» рукидаги мулоқотга таклиф қиламиз.

Рукнимизнинг биринчи меҳмони эса Абдушокир АБДУРАҲМОНОВ: Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг масъул ташкилотчиси. 1964 йилда туғилган. Олий маълумотли, Низомий номли Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳини тугатган.

1. Сизнингча ўтаётган йилда содир бўлган энг муҳим воқеа нималардан иборат? Умуман ўтаётган йил натижаларидан мамнунми-сиз?

— Йилда содир бўлган жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа Ўзбекистоннинг мустақил, деб эълон қилиниши бўлди, менимча. Шахсий ҳаётимда ҳам унутил-

мас бир воқеа содир бўлди. Фарзанд кўрдик. Ўтаётган йил натижаларидан эса, тўғриси кўнглим тўлмади. Нега? Чунки халқ манфаати йўлида жуда кўп қарорлар қабул қилинди-ю, лекин амалда кўп иш қилинмади. Иқтисодий аҳвол ҳеч қачон жорий йилдагидек инқирозга йўл тутмаган. Ундан чиқиб кетиш йўлини эса бозор иқтисодига тезроқ ўтишда деб биламан.

— Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқини кўпчилик «тўни» ўзгартирилган собиқ комсомол ташкилоти деб тушунишмоқда. Бевосита масъул шахс сифатида бу фикрга қандай муносабат билдира оласиз?

— Бу савол бизни ҳам қийнаб келди. Охири съезддан олдин биз учун учта йўл бор эди. Биринчиси, ташкилотни тарқатиб юбориш. Иккинчиси, ҳаммасини эскича қолдириш. Ва сўнггиси эса ташкилотни янгилаш. Съездда учинчи йўл танланди. Чунки ёшлар учун уюштирувчи ташкилот зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Янгилаш фақат номини ўзгартиришдан иборат десак хато қиламиз.

— Съездда айтилган фикр шуки, янги ташкилот ёшларни дунёқарашига қараб бўлинишига йўл қўймаслик, бирор партияга гоёвий қа-

рам бўлмаслик. Мақсадимиз битта: Ёшларга хизмат қилиш ва бу йўлда барча партиялар билан ҳамкорлик қилишга тайёرمىз. Ташкилотдан барча аъзолар манфаатдор бўлиши керак. Бўлмаса ҳеч қанақа ташкилотга зарурат йўқ. Олдимиздаги вазифани бажариш учун аниқ режалар бор. Уни амалга ошириш ташкилотнинг ҳар бир аъзосига боғлиқдир.

— Рўзномага бўлган муносабатингиз?

— Деярли барча кундалик нашрларни мутолаа қилиб бораман. Шу жумладан «Тошкент ҳақиқати»ни ҳам. Рўзномага ёшлар ҳаётига онд турли мавзудаги мақолалар бериб борилиши албатта, ўринли ҳол. Айниқса, «Вилоят ёшлари», «Замон ва ёшлар» саҳифалари ҳар бир ёшнинг диққатини ўзига тортмоқда. Бу ютуқ. Лекин тўғриси айтсам, ҳамма рўзномаalarda давр руҳини тўлик ҳис қилмапман. Назаримда эркинлик, ошкоралик етишмаётгандек... Эскича «услуглар»нинг таъсири ҳали ҳам сезилмоқда.

Рўзнома жамоатчилик дунёқарашини шакллантирадиган кўзгу деб биламан. Шундай экан, у давр нафаси билан яшаши, эл дарди-га кўпроқ «қулоқ тутиши» керак, деб ҳисоблайман.

**ОҲАНГАРОН
МАКТАБЛАРИДА**

1150 ҲУҚУВЧИГА

Қорахтойдаги 12-ўрта мактабнинг ўқувчилари янги мактаб биносига кўчиб ўтдилар. 1150 ўқувчининг фақат бир сменада ўқишига мўлжалланган бу улкан бинони ноҳиядаги 95-механизациялашган кўчма колоннанинг бинокорлари қуриб беришди.

— Мактабимизнинг янги биносига ўқув синфларидан ташқари барча фанлар учун лаборатория хоналари, фан кабинетлари, шунингдек, мажлислар зали, тўғарақлар машғулотлари учун ҳам махсус хоналар мавжуд, — дейди мактаб директори, вилоят Кенгашининг ноиб Аҳмадjon Давронов. — Аслида қишлоқда янги мактаб биносини барпо этиш менга сайловчиларнинг нақзи эди. Бу нақаз бир ярим йил ичида бажарилди.

Шунингдек, Тут қишлоқ аҳоли пунктида ҳам янги мактаб биноси қурилиши учун сўнгги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда.

**БАҲС МАВЗУСИ:
«ЎТГАН КУНЛАР»**

Қорахтойдаги ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари Абдулла Қодирйга Алишер Навоий номли давлат мукофотининг берилишидан гоётда мамнун бўлишиб, ёзувчининг «Ўтган кунлар» романи ҳусусида эркин баҳс ўтказдилар. Баҳсда Д. Однаматова, Д. Ҳасанова, Ш. Ибодова, З. Шералиева, Д. Наврўзов, Ж. Абдуллаев, Б. Эламасов сингари ўқувчилар романининг қиммати, ёшлар учун ибрати, ёзувчининг бадиий маҳорати тўғрисида қизиқарли фикрлар айтдилар.

Шу кунларда ана шундай яна бир тадбир — Абдулҳамид Сулаймон Чўпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳусусида мунозара ўтказиш учун тайёргарлик кўрилатири.

Мўмин ҚАЮМ,
О. ХУШНАЗАРЗОДА.

● **ЭЪЛОН** ●

**БИЗ СИЗНИНГ ҲАЁТИНГИЗ
ВА САЛОМАТЛИГИНГИЗ
УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ
ЗИММИЗГА ОЛАМИЗ**

- шикаст топганингизда;
- захарланганингизда;
- куйганингизда;
- суяк чиққан ёки синганда;
- электр токидан зарар кўрганда ва ҳоказоларда тоvon пули тўлаймиз.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА

ШАРТНОМАСИ БУ —

- чекланмаган миқдордаги суғурта пули;
 - унча кўп бўлмаган суғурта бадалидир.
- ҲАР 100 СЎМ СУҒУРТА ПУЛИГА БАДАЛ МИҚДОРИ:**
- хизматчилар, ўқувчилар, уй бекалари учун — 25 ТИЙИН;
 - колхозчилар, кўпчилик касб ишчилари учун — 50 ТИЙИН;
 - автотранспорт ҳайдовчилари учун — 80 ТИЙИН;
 - ўта даражада хавфли ишларда банд бўлган ходимлар учун — 1 СЎМ 20 ТИЙИНдир.

В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройида
5 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ДА
«ИСТИҚБОЛ» Ёшлар Маркази

**СИЗЛАРНИ КАТТА КОНЦЕРТГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ**

ҚАТНАШАДИЛАР:

хонанда
АҲРОР УСМОНОВ,
«Осиё овози» халқаро кўригивининг олий соврини соҳиб
«ҚАРС» гуруҳи,
гуруҳнинг яккахон хонандаси
РАВШАН НОМОЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

● **ЭЪЛОН** ●

● **ЭЪЛОН** ●



**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ.
«ЭРА» ТАЖРИБА РЕКЛАМА—ИШЛАВ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.**

ШАҲБОЗ НИЗОМИДДИНОВНИНГ

«Муסיқали хонадон»
КОНЦЕРТ ДАСТУРИ
Ботир Зокиров хотирасига бағишланган кўрик танлов совриндори
Гузур шаҳар маданият уйи қошидаги
«ХУШРҲУЙ» гуруҳи,
Сарносё район «Райҳон» дастасининг хонандаси
МАҲМУД НОМОЗОВ.

Дастурни Ёшлар марказининг доимий бошловчиси —
Зокир ХУДОЙБЕРДИЕВ олиб боради.
Чипталар ҳар куни соат 11.00 дан 19.00 гача сарой чиптахонасида сотилмоқда. Телефон: 45-92-13, 46-43-90.

● **ЭЪЛОН** ●

ТОШКЕНТДАГИ Халқлар дўстлиги хибонидамиз. Шу онда қалбимизни аллақандай ҳаяжон қолпаган. Ҳар кун театр сахнасида роль ижро этадиган сезимли санъаткоримизга муҳлисиз деймиз, мабодо у бетоб бўлиб қолса кўп ҳолларда беҳабар қоламиз. Биз театр санъатимизнинг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Омина Фаёзова хонадонини ана шу ўй-хаёллар билан излаб топиб, опани йўқлаб бордик.

— Келинг, ўғлим, — деб қулоч очган опа билан кўришар эканмиз, у кишининг сийҳат-саломатлигини суриштирдик. Опанинг ҳар доимгидай қувноқ ва очиқ чеҳраси, хонадонининг орасталлиги, ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги набираси парваналигининг гувоҳи бўлди.

— Опажон, соғлигингиз қандай?
— Кексалик экан, беш йил аввал чолим Турғунжон Зоҳидов мени «Бону, бону» деб эркалар эди... Ҳозир тўрт ўғил, тўрт келимин, тўққиз набирам бағридман. Зилолаҳон — чевар, Ҳилолаҳон — олийгоҳда таълим олапти, Камол, Ҳусниддин, кувейм Тоҳиржон, неваро қизим Муҳаббатхон... Э, уларнинг меҳрибонлигини айтмайсизми?! Ўғилларимдан бири муҳандис, иккитаси олим, яна бири қурувчи.

— Лутфихон ая ҳаётлигида сиз ҳақингизда жуда илиқ сўзлар айтган эдилар. Хусусан, «Нурхон»даги чақимчи Халча ролингизни, «Фарҳод ва Ширин»даги Есуман кампирни, «Қайнона»даги қайнонани, «Олтин кўл»даги Жамол опани ўйнаганингизни эслашган эдик.

— Болам-эй, ая менга ўз онамдек қадрдон эди. Кунора бир-биримизнинг аҳволимиздан хабар олардик. Бир ёқда мен — бетоб, бир ёқда у киши, юрагимиздаги гапларни фақат телефон орқали тўкиб олар эдик. Шу йил Аяжонимиздан ажраб қолдик, ёстиқларим ҳануз кўз ёшларимдан намланади, театр ҳаёлимни олади. Ахир у кишини эсламай бўладими!?

Театрда эллик йилдан ортиқ вақт ўйнаган ролларим юздан ошиб кетибди. Неча кунларни бедор ўтказган бўлсам, бирга ишлаган, биз билан бир уйда юқори қаватда яшайдиган Фароғат Раҳматова шу йил 15 январь, яъни туғилган кунимда йўқлагандан бери кўринмайди. Бошқалардан ўксимасам ҳам бўлади, Худоба минг шуқурки, фарзандларим ва набираларим ёнимда. Лекин бир уйда яшаб, бир ижодий жамоада ишлагандан сўнг учрашиб турсак, бу ҳам фарзандларга, ҳам шогирдларга жуда катта ибрат бўлар эди-ку!

— Биз «ўзбек сахнасининг йўлбарси» Шукр Бурҳонов хонадонига тез-тез ташриф буюриб тураемиз. Марҳум актёрнинг умр йўлдоши Шакар опанинг гапига қараганда, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Шукр Бурҳонов, Муроджон Аҳмедов сингари халқимизнинг сезимли санъаткорлари хоҳ Қўқон, хоҳ Марғилон, хоҳ Тошкентда бўлмасин, тез-тез учрашиб туришар экан. Улар ҳозирги санъаткорларга қараганда анча меҳр-оқибатли бўлган, деб эшитамиз.

— Ҳа, ҳозиргача Турсуной Жафорова билан сим орқали гаплашиб тураемиз. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасидан Бернара Қориева, жумҳурият Актёрлар уйдан Насибхон Усмонова, раҳматли Ҳамза Умаровнинг рафиқаси тез-тез йўқлашади. Шифобахш ўтлардан қайнаб, «шуни ичинг, шифо бўлади, опажон» деб илинишади. «Тановар» дастасининг раҳбари Юлдузхон Исмаилова, театримизнинг директори Шўҳрат Расуловни айтинг. Бир пайтлар улар билан она-бола ролларини ўйнардик. Ҳозир Шўҳрат — ижодий жамоамизга раҳбар. Марям Ихтиёровани биласиз. Улар келганларида хонадонимиз гулларга тўлиб кетади. Ҳатто театримизнинг қоровули Кимсанбой, ишчилардан Тўлқинжон, Абдурашидхон «опажон, сизни соғиндик» деб кириб келишса, бошим нақ осмонга етгандек бўлади...

Утган йили стационарда даволанаётганимда фақуллода палата эшиги очилиб, Раисахон деган профессор аёл (қайсидир олийгоҳда талабаларга дарс беради, муҳлислардан бири-да) қўлида меза-чева, гулдаста, қўшиқ айтиб кириб келаяпти, ортида яна етти нафар аёл... Бирининг қўлида иккита лимон, бирини олма, яна бирини мейн суйган ошқовоқ сомса...

Қилпилламанг аяжон,
Хали дўхтир келади,
қилпилламанг,
қилпилламанг,

Дўхтир келса майлига,
қилпилламанг, ёр-ей,
Дорисини ичасиз, қилпилламанг...
дейишиб, тоза қулдириб, мени ҳурсанд қилишди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик...

Тошхон Султоновани биласизми? У ўзи бемор ётибди-ю, эрта баҳорда менга саломга қўшиб уч дона атиргул бериб юборибди. У киши қазо қилганидан кейин ойнаи жаҳонда кўрсатув беришди. Қанийди, биронта ролидан лентага олиб қўйишган бўлса. Йўқ, фақат ролларидан овоз бериб, суратини кўрсатишди, холос. Ана шунақа гаплар. Яқинда Вала кўнғироқ қилиб: «Омина опа, бир ойга Фарғонага дам олгани кетаяпман, Аянинг жиянлариникига. Шу вақт орасида сизга телефон қилолмасам хафа бўлманг-а», деб қолди. Қаранг, Лутфихон аянинг таълимини олган-да...

Биз опани чарчатиб қўймасликка ҳаракат қилдик. Ҳамза номли театрининг таниқли актёри, марҳум Тошхон Султонова ўйнаган роллардан лентага олиб қолинмагани қалбимизда изтироб уйғотди. Меҳр остонада бошланади, дейишди. Ҳикоя қилишларича, Йўлдош Охунбоев, Усмон Юсупов санъаткорларга алоҳида меҳр билан қарашар экан. Эътибор Жалилова, Сойиб Хўжаев,

ўрни, қолаверса, сийҳат-саломатлигининг ёмонлашганлигида тенгқурлари ва шогирдларининг эътибори, меҳр-оқибати дегани бўлса керак, менимча.

Опанинг театримизда ўйнаган роллари, турли концертларда қатнашиши, ўзига хос маҳоратлари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Шахсан ўзим Омина опа билан бирга беш-олтита спектаклда ўйнаганман. Айниқса, Ж. Жабборовнинг «Тўйдан олдин томоша» комедиясида менинг холам Холида ролини О. Фаёзова ўйнади. Мени уйлантириш мақсадида совчиликка борарди. Бундан ташқари, Ф. Мусажоновнинг «Олифта» спектаклида Ҳадича ролини ҳам опа маҳорат билан ижро этардилар.

У кишидан мен кўпгина саҳна сирларини ўргандим. Ҳозир ҳам тез-тез опага сим қоқиб, баъзан хонадонларида бўлиб, сийҳат-саломатликларини суриштириб, иззат-ҳурматларини ўрнига қўйиб келаяпмиз. Албатта, буларнинг ҳаммаси опанинг саломатлигига ёрдам беради. Театримиздан Марям опа, Ноилаҳон, Юлдузхон, Дилором, Зулайхо, Меҳри, хуллас, кўпчилик бўлиб хабар олиб туришади. Яқинда жумҳурият ойнаи жаҳонда «Ҳамшаҳарлар» кўр-

• Оқибат •



МЕҲР ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Лутфихоним Саримсоқова сингари ўнлаб, юзлаб истеъдодли санъаткорларни Тошкентга тўплашда уларнинг хизматлари катта бўлган. Агар ҳозир самарали ижод қилаётган актёрларнинг энг яхши образларини ленталарга муҳрлаб олиб қолмасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Айниқса, келажак авлодларга ва санъатшунос-талабаларга қандай мерос қолдирамиз? Очиғини айтиш керакки, актёр саҳнада зўр маҳорат билан ўйнаётган чоғида бу қайтарилмас онлар абадий эмаслигига эътибор бермаймиз. Хусусан, Омина опа билан суҳбат давомида «Икки билгузу»даги совчи аёл, «Тоҳир ва Зухра»даги Юлдуз, «Нурхон»даги Нурхоннинг аммаси — чақимчи Халча, «Гавҳари шамчироқ»даги Отиний сингари роллардан биронтаси неча энди шу пайтгача лентага муҳрланмаган? Бу санъатимизнинг келажигига бефарқ ва лоқайд қараётганлигимиз натижаси эмасмикан?

Биз фикримизни янада ойдинлаштириш мақсадида Муҳимий номли жумҳурият мусиқали драма театрининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шўҳрат Расулов билан суҳбатлашдик. Хусусан, Омина опа Фаёзова ҳақида нима дея оласиз, деб сўрадик.

— У кишининг ижоди ҳақида сўзлашдан олдин, энг аввало, шогирд сифатида гапирсам ўринлидир. Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳини битириб келган чоғимдан биламанки, Омина опа чин инсон, кўполроқ қилиб айтганда, «аёллар ичидан чиққан эркак». Чунки у кишининг юриш-туришлари, гап-сўзлари, саҳнадаги санъати, ёшларга муносабатлари, қолаверса, ўзбек театри ривожига қўшган ҳиссалари жуда ҳам салмоқли. Лекин афсуслар бўлсинки, бугунги кунда Омина опага ўхшаш актёрларимиз жуда камайиб кетган.

Санъаткорнинг маънавий қадрияти деганда нимами тушуниш керак? Инсоннинг қадр-қиммати, унинг ўзи хизмат қилаётган жамоада тутган

сатувида ҳам опанинг ижодларига ўрин ажратилди.

Кекса санъаткорларга эътибор беришда савобли ишни «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси бошлаган экан, бу ниҳоятда ибратлидир. Театримиздан Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Абдурауф Болтаев, Сурмаҳон Айниева, Эътибор Жалилова сингари санъаткорлар ўтиб кетишди. Афсуски, улар ҳақида кўрсатув ва эшитиришлар, мақолалар жуда кам берилади. Хусусан, Ҳамза ака ҳақида тузуқроқ эшитириш ҳам, кўрсатув ҳам, рўзномаларда мақолалар ҳам берилгани йўқ. Ахир эскиларда бир мақол бор-ку; «қиладиган меҳр-оқибатини тирикчилигида қилгил, ўлгандан кейин унинг фойдаси йўқ», деган.

Уйлайманки, бу хайрли ишлар Омина опа сингари санъат даргаларининг умрига умр, соғлиғига соғлиқ қўшади. Уларни ҳар томонлама маънавий руҳлантиради.

Бир вақтлар Усмон Юсуповдек даалат раҳбари Омина Фаёзова, Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Маҳмуджон Гофуров, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Ҳамза Умаров, Тамара Назарова, Шаҳодат Раҳимова каби санъаткорларнинг бошини қовуштириб, Муҳимий номли театрини ташкил қилган. Бугунги раҳбарларимиз эса йилда бир марта бўлса-да, ижодий жамоамизга келиб, биронта томошамизни кўришни лозим топишмайди. Аҳволинг қандай, нима камчилигинг бор, деб сўрашмайди. Бунинг асл сабаби нимада эканлигига ҳеч тушунолмайман. Лекин «Бола йиғламаса, она кўкрак тутмайди», дейишди. Актёрларга ўй олиб бериш, ойлигини ошириш, машина ва унвонларга тавсия этиш, санъаткорларнинг 60, 70, 80 ёшлик тўйларини нишонлаш, энг аввало, театр раҳбарларининг ташаббуси билан бўлади, албатта.

Биз шунга ўрганиб қолдикки, юқори ташкилотлардан бирон нарсани сўрамасак беришмайди. Масалан,

яқинда биз маданият вазирлигига ёзма равишда мурожаат этиб, Суръат Пулатов ва Эргаш Тошматовнинг 60 йиллиги, Фароғат Раҳматованинг 70 йиллиги, Маҳмуджон Гофуровнинг 75 йиллиги, Наби Халиловнинг эса 70 йиллигини нишонлашни режалаштирганлигимизни билдирдик. Албатта, улар бизга йўқ дейишмади...

Марям ИХТИЁРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Омина опа билан йигирма беш йилдан ортиқ театр сахнасида хизмат қилдик. Опам хоҳ драмада, хоҳ комедияда роллар ижро этмасин, уларни ҳамиша юксак маҳорат билан ўйнардилар. Кўпгина спектаклларда, хусусан, «Паранжи сирлари», «Тўйдан олдин томоша», «Уч баҳодир», «Гавҳари шамчироқ»да биз у киши билан бирга саҳнага чиққанмиз.

Опа ёшларга ҳамиша яхши муносабатда бўлиб, улардан фойдали маслаҳатларини аямайдилар. Фарзандлари ва шогирдларига ажойиб Она! Улар касал эмас, фақат оёқлари биров «ишламай» қолган. Омина опам доим хушчақчақ, очиқ чеҳрали инсон, ноёб санъат ҳазинасидир. Театр сахнасида 40—50 йилдан ортиқ ишлаш осон эмас. Чунки актёр ҳар бир ўйнаётган образининг руҳиятига кириб, томошабинни ўзига ишонтириши лозим. Шу боисдан биз ўзимизнинг бутун вужудимизни, юксак ҳис-туйғуларимизни саҳнада сарф қилаемиз. Баъзан оғир ва масъулиятли томошалардан сўнг уч-тўрт кун ўзимизга келмайдиган вақтлар бўлади. Шу боисдан санъатга сарф бўлаётган умримизни ленталарга муҳрлаб олиб қўйиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ахир бизнинг санъатга эндигина қадам қўётган ёш қўшиқчилардан нимамиз кам? Ваҳоланки халқимизнинг эътиборига тушган образларимиз кам эмас. Фақат бунга тегишли мутасаддилар эътибор беришлари лозим.

Омина опанинг санъатларини қадрлайдиганлар кўп. У кишининг яхши кўрадиган бир мақоллари бор: «Дўстга зор, душманга хор, номарда муҳтож қилмасин». Айни кунларда опа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож эмас. Шу боисдан биз опамизга ҳавас қилаемиз.

Муҳаббат КАРИМОВА; Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори, актёр:

— Мен ҳам Омина опанинг шогирдиман. 1979 йили Раззоқ Ҳамроев «Олтин камар» спектаклида Омина опа билан бирга саҳнага чиқсан деганида жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган эдим. Аммо опа менга жуда кўп маслаҳат бердилар. У киши «Нурхон»да Халча ролини ўйнаганда ниҳоятда ҳайратланганман. Шунингдек «Паранжи сирлари», «Олифта»да қатнашган кунлари, палос саҳнасини ижро этганлари юрагимда муҳрланиб қолган. Холсхон, Мастура сантанг роллари биз, шогирдлар учун ниҳоятда ибратлидир.

Марям ИХТИЁРОВА:

— Бизда бир иллат бор. Театрга янги бош режиссёр келса, албатта, ўзидан олдин ишлаган режиссёрнинг асарларини йўққа чиқариши керак. Кимда катта амал бўлса, унвон ва мукофотлар ҳам ўшаники. Кўпгина актёр ва режиссёрларнинг тақдирини ана шунақа уч-тўртта амалдорлар ҳал қилган. Шу боисдан театримиздан узоқлашиб кетган истеъдодли актёрлар анчагина. Хусусан, Фурқат Салимов, Абдуқодир Худоев, Хусан Шарипов... ҳозир улар кинода ўйнашяпти, ижодий жамоамиздан кетишга мажбур бўлишди. Чунки режиссёр актёрга, актёр эса режиссёрга мос тушмас экан, бирон натижа чиқиши қийин. Актёр истеъдодини чарчлайдиган режиссёрдир. Бу борада биз йиғинларда Н. Оттабоевга кўп марта айтганмиз. Аммо бизнинг фикр-мулоҳазаларимизни инobatга олмади. Эндиликда эса у кишини бошқа театрга ўтказишди. Ҳозир бизда бош режиссёр йўқ...

Ҳа, суҳбатдошларимизнинг юраклариде тўпланиб қолган фикр-мулоҳазаларини яна давом эттиришимиз мумкин. Бизнингча, Омина Фаёзова сингари бутун умрини санъатга бахшида этган, энди кексайиб пенсияга чиққанларни унутмай, доим меҳр-оқибат кўрсатмоғимиз, қадр-қимматларини ўрнига қўймоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Муҳтор СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон маданият жангармаси матбуот марказининг муҳбири.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ, ТошДД толиби.

Хориждан хабарлар

ҚИСКА САТРАЛДАР

● **АМЕРИКА** Қўшма Штатлари президенти Ж. Буш Совет Иттифоқига қўшимча нқтисодий ёрдам бериш тўғрисида фармойиш берди. Мазкур фармойишга асосан 1,25 миллиард доллар маблағ гаровли қарз тариқасида, 165 миллион доллар эса техникавий кўмак учун ажратилади. Ўз навбатида бир гуруҳ сенаторлар ҳам АҚШ маъмуриятининг СССРга кенгроқ қамровда ёрдам беришга чақирди. Вакиллар палатаси ҳамда сенатнинг молиявий кўмитаси совет-америка савдо битимини маъқулладилар.

● **ОВРҲПО** ҳамжамияти КХДЖ ҳукумати га мурожаат этиб, Корея ярим оролинин ядровий қуроллардан ҳоли бўлган минтақага айлантиришга чақирди. Ҳамжамият КХДЖ ҳукумати Жанубий Корея президенти Ро Де Унинг ана шу масала юзасидан бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлайди, деб умид қилади.

● **ЭКВАТОРИАЛ** Гвинеяда кўп партиявийлик тизимини жорий қилиш юзасидан умумхалқ сўрови бўлиб ўтди. Кўпчилик сиёсий кўпфирлиликни ёқлаб овоз берди. Эндиликда аввал яширин тарзда иш олиб борган партиялар очиққа чиқади, муҳожирлар ўз ватанларига қайтиб келадилар, деб кутилмоқда.

● **ЮГОСЛАВИЯ**нинг Сербия мухтор ҳудуди раҳбари Горан Хадзич Белград телевиденеси орқали сўзлаб, Хорватия ҳудудида жойлашган Вуковар шаҳри мазкур мухтор ноҳиянинг келажакда пойтахти бўлиб қолади, деб айтди.

«ФАҚАТ ТОВАТДА ҚАЙТИШИМ МУМКИН»

● **СОБИҚ** Германия Демократик Жумҳуриятининг давлат ва партия раҳбари Эрих Хонеккер СССР Президенти Михаил Горбачевга мактуб

йўллаб, «Мен Германияга фақат товутда қайтишим мумкин» деб ёзди. Уч бетлик мазкур мактубни «Бильд» рўзномаси кўни кеча ўз саҳифа-

ЧАУШЕСКУ МИЛЛИОНЛАРИ ҚАЕРДА?

